

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Исломбек Усмоналиевич Бобожонов,
Тошкент давлат педагогикаси таянч докторанти
islombek_uz_1989@mail.ru

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.)

For citation: Islombek U. Bobojonov, SOCIAL PARTNERSHIP IN SPIRITUAL AND EDUCATIONAL ACTIVITIES AMONG YOUNG PEOPLE IN TASHKENT CITY (1991-2019). Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.63-68

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582929>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Тошкент маҳаллаларида ёшлар ўртасидаги маънавий-маърифий фаолиятда ижтимоий шериклик масалалари таҳлил қилинди. Шунингдек, маҳалла институтининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги кўрсатиб берилди ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллаларида олиб борилган амалий ишлар, тадбирлар, учрашувлар самарадорлиги таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: маҳалла, қонун, қарор, низом, комиссия, маҳалла оқсоқоли, ўзини ўзи бошқариш органи, ваколат, ислохот

Исломбек Усмоналиевич Бобожонов,
базовый докторант
Ташкентского государственного
педагогического университета
islombek_uz_1989@mail.ru

СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО В ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МОЛОДЕЖИ ГОРОДА ТАШКЕНТА (1991-2019 гг.)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы социального партнерства в духовно-просветительской деятельности среди молодежи махаллей города Ташкента за годы независимости. Также анализируется сотрудничество института махалли с общественными организациями, проанализирована эффективность практической работы, мероприятий и встреч, проводимых в махаллях города Ташкента.

Ключевые слова: махалля, закон, решение, положение, комиссия, председатель махалли, орган самоуправления, полномочие, реформа

Islombek U. Bobojonov,
PhD researcher of Tashkent
state pedagogical university
(islombek_uz_1989@mail.ru)

SOCIAL PARTNERSHIP IN SPIRITUAL AND EDUCATIONAL ACTIVITIES AMONG YOUNG PEOPLE IN TASHKENT CITY (1991-2019)

ABSTRACT

This article analyzes the issues of social partnership in the spiritual and educational activities of young people in Tashkent mahallas during the years of independence. The cooperation of the mahalla institute with public organizations will also be demonstrated. In addition, the effectiveness of practical work, events and meetings in the mahallas of Tashkent are analyzed.

Index Terms: mahalla, law, resolution, statute, commission, neighborhood chairman, self-governing body, authority, reform

1. Мавзунинг долзарблиги:

Дунё тарихига XX асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI аср бошларининг глобаллашув асри номи билан кириб келиши, жаҳон сиёсий элитаси қаршисида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва айниқса, маънавий йўналишларда замон талаб қилаётган ислохотларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлди. Агарда тегишли ислохотлар ўз вақтида олиб борилмаса, узок йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ёшлардаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, ота-онага хурмат, кишиларга оғир дамларда ёрдам беришдек гўзал фазилатларни унутилишига олиб келади. Айнан шунинг учун ёвуз мақсадли мафкура соҳиблари ўз ғояларини ҳаётий тажрибаси кам ёшлар онгига сингдиришга зўр бериб уринмоқдалар.

Америкалик таниқли сиёсатшунос С.Хаттингтон бундан буён “бутун дунё фақат гамбургерлар истеъмол қилади, америкада чоп этилган китобларни ўқийди, америка телевидениясини кўради, америкача либосларни кияди[1]”, деб тахмин қилган эди. Бугун “оммавий маданият” номи билан кириб келаётган, тарихимиз ва маданиятимизга бегона бўлган Ғарбнинг урф-одат, анъаналари ёшлар онгини заҳарлаш баробарида мамлакат келажагига хавф солмоқда.

2. Тадқиқот методлари ва ўрганилиш даражаси:

Тадқиқот холислик, анализ, синтез, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихий таҳлил, хронологик услублардан фойдаланган ҳолда олиб борилди.

Мавзуга доир адабиётлар қуйидаги 2 гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига доир адабиётлар бўлиб, бу йўналишда т.ф.д., проф. Муртазаева Р.Ҳ.[2], Ш.Жалилов[3], Г.Маликова[4], А.Саидов[5], О.Хусанов[6], К.Комилов[7], Г.Исмоилова[8] каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар. Хусусан, улар ўз илмий тадқиқотларида маҳалла институтининг ривожланиш тарихи, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда фаолиятига доир жиҳатларни тадқиқ этганлар.

2. Ёшлар муаммолари, уларнинг таълим ва тарбияси ҳамда ижтимоий фаоллигига доир адабиётлар бўлиб, т.ф.д., проф. Муртазаева Р.Ҳ.[9], О.Топилдиев[10], Х.Ҳақназаров[11], С.Отмуратов[12], О.Жамолидинова[13] каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

3. Тадқиқот натижалари:

“Ёшлар учун келажак тайёрланган. Ёшларни келажак учун тайёрланг”, деган эди Франклин Делано Рузвельт. Худди шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида асосий эътиборини ёшлар қатламини глобаллашув жараёнининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга қаратди. Ўзбекистон аҳолисининг 64 % ини ёшлар ташкил этиши – бу ислохотларни яна ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Маҳалла, аввало фуқаролар тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлаш, ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, ижтимоий-маънавий ҳаётимизни янада юксалтиришга хизмат қиладиган демократик институт бўлиб, у ўзбек халқини ягона мақсад сари етаклайди. Маҳалла қадимдан аҳолининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, маънавий-ахлоқий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Бироқ мазкур вазифаларда салмоқли натижаларни қайд этиш, фақатгина маҳалла институтининг иштироки ва жонбозлиги билан амалга ошмайди. Бунинг учун давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар билан режали тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Айниқса, бу борада жамоат ташкилотларининг иштироки ва уларнинг фаоллиги муҳим факторлардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда маҳалла институти мутақиллик йилларида кўплаб вазифаларни бажариб келмоқда.

Ёшларни тарбиясига, маънавиятига салбий таъсир этувчи сабаблар ўрганилганда, мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан бугунги кунда улар кўпроқ ва етарлича хавфлироқ эканлигини кўришимиз мумкин. Сўнгги йилларда бундай хавфларнинг ортишининг асосий сабаби интернет тармоғининг кенг оммалашгани ва бугунги кун ёшлари ундан исталганча эркин фойдаланиш имконига эга эканлиги билан изоҳланади. Айниқса, ижтимоий тармоқлар – **facebook, telegram, instagram** мессенжерларида ёшларимизнинг катта қисми одоб-ахлоқ чегарасини исталганча бузаётгани, ўйлаб ўтирмасдан бир-бирини ҳақорат қиладигани, фаҳшни тарғиб қилувчи суратлар ва видеоларни эркин, ҳеч қандай чекловларсиз томоша қиладигани ёшлар тарбиясида бугун ҳар қачонгиданда кўпроқ ва самаралироқ ишлашимиз шарт ва зарур эканлигини кўрсатиб турибди. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллион кишидан ошиб кетди. “uz” доменида 16 мингга яқин веб-сайтлар фаолият олиб бормоқда, 200 дан ортик веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатга олинган[14].

Маҳалла фуқаролар йиғини маънавий-маърифий йўналишдаги вазифаларини амалга оширишда Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг худудий бўлинмалари, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари, фуқаролар йиғини худудидаги ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, “Ота-оналар университети”, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ёшлар Иттифоқи ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти (2017 йилга қадар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати), корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони[15] эълон қилди. Марказ республика жамоатчилиги билан ҳамкорликда иш юритувчи, бюджет ажратмалари ва хўжалик ҳисобидаги маблағлар асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳалла институти жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этишди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида “Маҳалла” жамғармаси, туман халқ таълими бўлими, прокуратура, ички ишлар бўлими ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида маҳалла ва мактабларда иш олиб бориш тадбирлари ишлаб чиқилган. Маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан олиб бориладиган “Оилада бола тарбиясида отанинг роли”, “Оилада бола тарбиясида онанинг роли”, “Бола бошидан, ўғлон ёшидан”, “Бир болага етти қўшни ота-она” мавзуларида давра суҳбатлари мунтазам равишда ташкил этиб келинган. Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги Иқбол, Мажнунтол, Миробод туманидаги Мингўрик, Фаровон, Байналминал, Толариқ, Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий, Дархон, Нодирабегим, Ҳамид Олимжон, Учтепа туманидаги Ҳожиобод, Кўкча Оқтепа, Хондамир,

Истироҳат каби маҳаллалар мазкур йўналишдаги тадбирларни ташкил этишда намунали маҳалла сифатида тилга олинади.

1996 йил мобайнида Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан 173 та маънавий-маърифий ишлар ташкил этилди. Мазкур маънавий-маърифий тадбирларни 19 таси Тошкент шаҳар маҳаллаларига тўғри келади[16]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу соҳада яна қатор ишлар амалга ошириб борилди.

2008 йил давомида Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри маҳаллалар кенгаши оммавий маданиятга, одам савдосига қарши кураш, ёшлар ўртасида спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмолига қарши кураш мавзуларига бағишланган бир қатор маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этди. Хусусан, Юнусобод тумани маҳаллаларида ушбу йўналишда йил давомида 50 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилган бўлса, Шайхонтохур ва Учтепа туман маҳаллаларида мос равишда 40 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди[17]. Мазкур тадбирлар якунида мактабдаги ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар, маҳаллада тарбияси оғир ёшлар рўйхатига киритилган ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ташкил этилган. Бу орқали эса маҳаллада юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларни бир қадар бўлса ҳам олди олинган.

1996 йил 4 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий “Нуроний” жамғармасини тузиш тўғрисида”ги фармони[18] эълон қилинди. Жамғармани ташкил этишдан мақсад Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъзозлаш, уларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, маҳалла институти билан биргаликда оилаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, нуронийлар бошчилигида ёшларни она Ватанга, халқимизга, истиқлол ишига садоқат, буюк келажак учун курашчанлик руҳида тарбиялаш, ёш оилалар ўртасида ажралишлар, ёшларни турли оқимларга кириб кетиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг давомати масаласи, хорижга кетган ёшларни юртимизга қайтариш ва уларни иш билан таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш эди. “Нуроний” жамғармаси ёшларни тарбиялаш, уларни баркамол авлод қилиб вояга етказишда маҳалла институтининг муҳим ва ишончли ҳамкорига айланди. Маҳалла институти “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда мустақилликнинг дастлабки йилларида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, ёшлар билан жонли мулоқотлар ташкил этиб борди. Хусусан, 2000 йил маҳалла институти ва “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида юқори натижалар қўлга киритилди. Шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳри маҳаллалар кенгаши ва “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида 100 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, 2000 йил 7 май куни Шайхонтохур туманининг Шофайзи маҳалласида уруш фахрийлари билан ёшлар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди[19]. Мазкур тадбирда уруш фахрийлари учрашувга йиғилган ёшларга Иккинчи жаҳон урушидаги қийинчиликлар, Ватан учун, унинг озодлиги учун шу юрт ёшлари доимо масъул эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2019 йил биринчи чораги давомида Тошкент шаҳрида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний экстремистик ғоялар таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида «Жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида Тошкент шаҳрининг барча туманларида фуқаролар йиғини фаоллари, профилактика инспекторлари, ёшлар иттифоқи етакчилари, имом хатиблар, отинойилар, таълим муассасаларининг маънавият ишлари бўйича масъуллари иштирокида 814 семинар машғулотлари ташкил этилди[20].

Мустақиллик йилларида маҳалла институти билан маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда ҳамкорликда ишлаган яна бир муҳим ташкилот бу – Ёшлар иттифоқи ҳисобланади (1996-2001 йилларда “Камолот” жамғармаси, 2001-2017 йилга қадар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати).

Ёшлар ташкилотларида уруш катнашчилари, меҳнат fronti фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан “Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик” ҳамда “Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият” шиорлари остида 500 дан

ортик учрашувлар, маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда “Инсон кадри улуг, хотира муқаддас”, “Ватан эркинлиги учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша барҳаёт”, “Хотира муқаддас, инсон кадри азиз” мавзуларида 1350 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди[21].

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 1 апрель куни Туркман миллий маданий маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар ёшлар марказида халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда икки томондан иштирокчилар фаол қатнашди. Айниқса, ўзбек ва туркман ёшлари бу тадбирда ўз фаолликларини кўрсатиб, ўз миллати тарихи, адабиёти ва санъати намуналаридан саҳна кўринишлари, қизиқарли маълумотлар келтириб ўтди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшлар қатлами билан боғлиқ терминларга эътибор қаратсак, улар орасида “**уюшмаган ёшлар**” деган тушунча анчайин оммалашганини гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Уюшмаган ёшлар терминини “Уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар[22]” деб таъкидлади. Шу сабабли ҳам ёшларни таълим олишлари учун барча шароитни яратиш, уларни бўш вақтини назорат қилиш каби белгиланган вазифаларни муносиб даражада адо этиш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

4. Хулосалар:

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари фаолиятини ташкил этишдан мақсад, ҳар бир йўналишда юзага келадиган муаммоларни тегишли комиссия орқали ечимини топишни таъминлаш ҳисобланади. Бироқ шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш даркорки, мазкур комиссияларни реал ҳаётда доим ҳам ўз вазифаларини муносиб тарзда амалга оширганлигини учратмаймиз. Бунга энг аввало, уларнинг жамоатчилик асосида фаолият юритиши, уларга ойлик тайинланмаганлиги сабаб бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, баъзи ҳолатларда комиссия аъзоларининг ўз вазифаларига беписанд, лоқайд муносабатда бўлишлари ҳам бу муаммоларнинг яна бир сабаби ҳисобланади. Бироқ бу келтирилаётган фикрлар фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни маҳалла фаолияти учун мутлақо кераксиз деган хулосани бермайди. Пойтахт маҳаллалари орасида айнан мана шундай комиссия аъзоларининг ташаббуслари билан кўплаб тадбирлар ташкил этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш борасида асосий диққат эътибор муаммоларнинг оқибатларини ўрганиш ва уни бартараф этишга қаратилди. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, муаммоларнинг оқибатини эмас, аксинча уларни келтириб чиқарувчи сабабларни кўпроқ таҳлил қилиш, ўрганиш ва уларни ечимини топиш орқали ёшлар тарбиясида сезиларли натижани қўлга киритиш мумкин бўлади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув ва ёшлар тарбияси. – Т.: “Akademiyа” 2009. – Б.46
2. Муртазаева Р.Х. Маҳалла – миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маскани. Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – 5 б.т.
3. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. – Т.: 2001;
4. Маликова Г. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (хуқуқий, ташкилий масалалар); юридик фанлар номзоди дисс. – Т.: 2004

5. Саидов А. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: 2000. - № 1 – 11-17 б.;
6. Хусанов О. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар: юридик фанлар доктори...дисс. – Т.: 1995.
7. Комилов К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар. 1997.
8. Исмоилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т.: Академия, - 2014. Б. 290.
9. Муртазаева Р.Х. Ёшларни ақлий салоҳиятини ривожлантириш – маънавий оламини бойитиш омили. Соғлом она ва бола – бахтли келажак асоси. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2016 йил 23 январь. Б.4-7.
10. Топилдиев О. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фан. ном. дисс. ... Т.: ЎЗМУ, 2011
11. Ҳакназаров Х.Д. Ўзбекистон ёшларининг кундалик турмуш тарзи. Тарих фанлари номзоди дисс., – Т.: 2019 й. Б. 182
12. Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омили. –Т.: О'bekiston, 2015. – Т. Б.120.
13. Жамолидинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. дисс... док.пед.наук. –Т., 2015.,
14. Саифназаров.И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. – Т.: Таълим нашриёти, 2018. – Б.130
15. <https://lex.uz/docs/196309>
16. Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармасининг 1997 йил 17 февралда бўлиб ўтган V Пленум материаллари.
17. Шайхонтохур ва Учтепа туман ҳокимиятларининг маънавий-маърифий ишлар юзасидан 2008 йилдаги ҳисоботи.
18. <https://lex.uz/docs/178408>
19. Шайхонтохур туманининг Шофайзи маҳалласининг 2000 йил ҳисоботлари.
20. Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар бўлими томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан 2017-2019 йил биринчи чораги ҳисоботи
21. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг икки ярим йиллик фаолияти (2017 йил июль – 2019 йил декабрь) давомида эришилган натижалари тўғрисида ҳисобот
22. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” 2017 й. 507-б.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000